

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

216 **Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Халқаро амалиётда умумэтироф этилган ташқи савдо фаолиятини божхона-тариф йўли билан тартибга солиш методларини қўллаш асосида маҳаллий ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ–2699-сонли қарорининг 13-2-иловасига 2017 йил 1 апрелдан бошлаб иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 31 март,
ПҚ–2862-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 31 мартдаги
ПҚ-2862-сонли қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сонли қарорининг 13-2-иловасига киритиладиган ўзгартиришлар

1. 11-товар гуруҳи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

11.	Бугдой уни	1101 00 110 0 1101 00 150 0	5
-----	------------	--------------------------------	---

2. 15-товар гуруҳи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

15.	Пальма ёғи ва унинг фракциялари, тозаланган ёки тозаланмаган, лекин кимёвий таркиби ўзгартирилмаган	1511	20%, лекин кг 0,32 АҚШ доллари-дан кам эмас
	Кунгабоқар ёғи, сафлор (махсар) ёғи ва уларнинг фракциялари	1512 11, 1512 19	10%, лекин л. 0,16 АҚШ доллари-дан кам эмас
	Пахта ёғи ва унинг фракциялари	151221, 1512 29	20%, лекин л. 0,32 АҚШ доллари-дан кам эмас
	Маргарин, ҳайвон ёхуд ўсимлик мойлари ёки ёғларидан тайёрланган, таомда истеъмолга яроқли қоришмалар ёки тайёр маҳсулотлар	1517	20

3. 19-товар гуруҳининг иккинчи ва учинчи сатрлари чиқариб ташлансин.

4. 20-товар гуруҳида:

а) учинчи сатр қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

20.	Тайёр ёки консерваланган, уксус ёки уксус кислотаси қўшилмаган, музлатилмаган бошқа сабзавотлар, 2006 товар позицияси маҳсулотларидан ташқари	2005	10
-----	---	------	----

б) бешинчи сатр қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

20.	Мева ва сабзавот шарбатлари (ананас ва цитрус шарбатларидан ташқари)	2009 (2009 11 — 2009 49, 2009 90 410, 2009 90 490, 2009 90 710 0, 2009 90 730 0, 2009 90 790 0 дан ташқари)	30%, лекин л. 0,50 АҚШ доллари-дан кам эмас
-----	--	---	---

216-217-моддалар**— 28 —****14 (774)-сон**

5. 21-товар гуруҳида:

а) учинчи сатри икки сатр кўринишида қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

21.	Соуслар тайёрлаш учун маҳсулотлар ва тайёр соуслар; таъм берувчи қўшимчалар ва аралаш зирavorлар; хантал кукуни ва тайёр хантал (горчица)	2103 (2103 20 000,0 2103 90 900 1 дан ташқари)	25
	томат кетчупи, майонез соус	2103 20 000 0 2103 90 900 1	70

б) тўртинчи ва бешинчи сатрлар тегишли равишда бешинчи ва олтинчи сатрлар деб ҳисоблансин.

6. 39-товар гуруҳидан биринчи сатр чиқариб ташлансин.

7. 44-товар гуруҳидан биринчи сатр чиқариб ташлансин.

8. 72-товар гуруҳидан биринчи сатр чиқариб ташлансин.

9. 87-товар гуруҳининг йигирма олтинчи сатри қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

87.	2 800 куб. см дан кўп бўлмаган, янгилари	8704 31 910 0	30
-----	--	---------------	----